



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI JARQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING  
Q A R O R I**

Jarqo'rg'on tumani, O'zbekiston ko'chasi 13-uy. 190600, tel.: (+99876)432-10-94, jarqurgorgan.t@exat.uz, www.jarqorgon.uz

2020-yil “23” dekabr

K-2000 -son

Jarqo'rg'on t.

**Тумандаги хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Конунининг 20-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конунинг 6, 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси, ва туман ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган туманидаги хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофик тасдиқлансан.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Шапўлатов, туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси Ҳ.Қаюмов, туман ободонлаштириш бошқармаси Ч.Саманов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда туман худудидаги йўлларни сақлаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиб борсинлар.

3. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (С.Маматмуродов) мазкур қарорни ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши ҳамда “Жарқўрғон” газетасида расман эълон қилинишини таъминласин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Шапўлатов, туман ободонлаштириш бошқармаси ва функционал вазифаларига кўра йўл соҳасига масъул бўлган бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилсан.

Туман ҳокими



Б.Ўрақов

Туман ҳокимининг 2020 йил  
23 десабрдаги  
R-200 сонли  
қарорига илова

## Жарқўрғон туманинг хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур низом Жарқўрғон туманинг хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари ва қишлоқларнинг кўчаларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари — транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ;

**Йўллардан фойдаланувчилар** — йўл ҳаракатининг иштирокчилари бўлган ёки ажратилган минтаقا ҳамда йўл бўйи минтақаси доираларида белгиланган тартибда рухсат этилган фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

**ажратилган минтақа** — кўчалар ва йўллар, уларнинг тегишли конструктив элементлари ва муҳандислик иншоотлари, шунингдек йўллардан фойдаланиш учун зарур бўлган бинолар, иншоотларни жойлаштириш, ихота ва манзарали дараҳтзорлар барпо этиш учун доимий фойдаланишга қонун хужжатларида белгиланган тартибда бериладиган ер участкаси;

**йўл бўйи минтақаси** — ажратилган минтақага туташган, чегараларида аҳоли хавфсизлигини ва транспортнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун ердан фойдаланишнинг алоҳида шартлари белгиланадиган ер участкаси;

**хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари** - қишлоқ жойлардан ўтадиган ва хўжаликларни ўзаро боғлайдиган автомобиль йўллари. Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари (агар қонуларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса) туман ҳокимлиги ихтиёрида бўлади.

2. Туман худудидаги йўллар хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари (бундан кейин “қишлоқ автомобиль йўллари” деб юритилади) ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари (бундан кейин “аҳоли пункти кўчалари” деб юритилади)га бўлинади.

3. Хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари — қишлоқ жойлардан ўтадиган ва хўжаликларни ўзаро боғлайдиган автомобиль йўллари.

Хўжаликларо қишлоқ автомобиль йўлларини сақлаш, курилиш-таъмирлаш ва бошқа йўлдан фойдаланиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан амалга оширилади ва бу йўллар мазкур корхона ихтиёрида бўлади.

4. Хўжалик автомобиль йўллари давлат ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлиши мумкин. Технологик мақсадларга хизмат қиласиган йўллар, шоҳобча, хизмат, патруль ва бошқа шунга ўхшаш автомобиль йўллари хўжалик автомобиль йўллари жумласига киради.

5. Бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари — туман марказининг ички кўчалари, маҳаллалар ва қишлоқлар доирасида ўтади, мазкур кўчаларнинг Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатига белгиланган тартибда киритилган участкалари бундан мустасно.

Бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари давлат мулки бўлиб, туман Ободонлаштириш бошқармаси ихтиёрида бўлади.

6. Қишлоқ автомобиль йўллари, шунингдек аҳоли пункти кўчалари давлат мулки бўлиб, йўллардан фойдаланувчилар учун очиқdir. Хўжаликларо қишлоқ автомобиль йўллари, шунингдек бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари аҳоли эҳтиёжларини, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва мудофаа эҳтиёжларини қаноатлантириш учун туман маркази, массивлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари ўртасида юклар ва йўловчилар ташишни таъминлайди.

7. Қишлоқ автомобиль йўллари, шунингдек аҳоли пункти кўчалари ва уларга ажратилган минтақаларда ҳаракат хавфсизлигининг таъминланганлиги ва тўғри ташкил этилганлиги, ҳаракат хавфсизлиги талабларига зид камчиликлар ва ноқонуний курилишлар бўлмаслиги йўл ташкилотлари (ёки бошқа мутасадди идоралар) ҳамда туман ички ишлар бўлнимининг давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси (кейинги ўринларда давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати деб аталади) томонидан назорат қилинади.

8. Қишлоқ автомобиль йўллари, шунингдек аҳоли пункти кўчалари ва уларга ажратилган минтақаларнинг келгусида ривожлантириш режасини ҳамда мазкур жойларга куриладиган обьектларнинг меъёрий хужжатлар талабларига мувофик бўлишини назорат қилиш туман курилиш бўлими томонидан амалга оширилади.

## **II. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларини молиялаштириш**

9. Қишлоқ автомобиль йўллари, шунингдек аҳоли пункти кўчаларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10. Хўжалик автомобиль йўлларини молиялаштириш улар қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

## **III. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларидан фойдаланувчиларнинг хуқуqlари ва мажбуриятлари**

11. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пунктлари кўчаларидан ҳамда уларга ажратилган мінтақалардан фойдаланиш:

Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пунктлари кўчаларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунига ва йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиган ҳолда амалга оширилади.

12. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пунктлари кўчаларидан юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиш хукуқига эга.

13. Йўл мінтақасидаги ер ости ва устидан ўтувчи ҳамда бошқа иншоот ва коммуникацияларни қурувчи ёки таъмирловчи ташкилотлар тегишли талабларга амал қилишлари шарт.

Ажратилган мінтақадан унда ишлар бажариш учун автомобиль йўли қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, фақат ўша юридик ва жисмоний шахсларнинг рухсати билан фойдаланилиши мумкин.

Ажратилган мінтақанинг участкалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳаракат ҳавфсизлиги қоидалари талабларини таъминлаш шарти билан сервис обьектларини жойлаштириш учун вактингча фойдаланишга белгиланган тартибда берилиши мумкин.

14. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларидан фойдаланувчиларнинг хукуқлари:

йўллардан мутассил, йил давомида, хавф-хатарсиз, эркин ва қулай шароитларда ҳаракатланиш;

аҳоли пунктлари кўчалари ва қишлоқ автомобиль йўллари шароитлари тўғрисидаги барча ахборотларни олиш;

йўлларда йўл ҳаракати қоидаларига асосан белгиланган тезлиқда ҳаракатланиш.

15. Йўллардан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари:

йўллар ва ундаги сунъий иншоотларга зиён етказмайдиган, ҳаракат ҳавфсизлиги талабларига жавоб берадиган, техник жиҳатдан соз машина ва транспорт воситаларидан фойдаланиш;

йўлга ажратилган мінтақани ифлослантирмаслик ва йўлга шикаст етказмаслик;

йўл элементлари шикастланишига йўл қўйган фойдаланувчилар, белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ҳамда шикастланган элементларни ва уларни тиклаш ишлари қийматини қоплади;

автомобиль йўлида транспорт воситаси қатнови, йўл ҳаракати қоидаларига асосан фақат йўлнинг қатнов қисмида, ҳаракат йўналиши бўйича ўнг тамонда ҳаракатланишига рухсат этилади;

йўл ҳаракати иштирокчилари автомобиль йўлларида ва йўл иншоотларида ҳаракат ҳавфсизлигига зид носозликлар ва бузилишларни кўришганида, бу хакда яқиндаги йўл ташкилотлари ёки ички ишлар органларига зудлик билан хабар беришлари шарт.

16. Йўл бўйида амалдаги меъёрий хужжатлар талаблари асосида жойлашган бозорлар, савдо ва хизмат кўрсатиш ва бошқа объектлар бўлса, улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар транспорт воситалари учун барча қурайликларга эга, кириш ва чиқиш йўллари бўлган майдонлар ва транспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари бўлишини ҳамда йўл минтақасини тоза холда сақлашни белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

17. Қишлоқ автомобиль йўллари, шунингдек аҳоли пункти кўчалари ҳамда уларнинг хавфсизлик минтақаларида қўйидагилар таъкиқланади:

автомобиль йўллари ва улардаги сунъий иншоотларни сақлашга ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли бўлмаган бошқа бино ва иншоотларни қуриш;

йўлларга, йўл иншоотлари, йўл белгилари ва кўрсаткичларига, ҳаракатланишни ташкил этувчи ва бошқарувчи техник воситаларга ҳамда йўлга тааллуқли бошқа нарсаларга зиён етказиши;

ҳаракатланиш вақтинча тўхтатилган йўл қисмларидан транспорт воситасида маҳсус рухсатномасиз ўтиш;

асфальтобетон ва цементобетон қопламали йўлларда занжирли транспорт воситаларининг маҳсус ҳимояловчи бошмоқларсиз ҳаракатланиши,

катта ҳажмли ва оғир вазнли, ҳавфли юкларни ташишда ўрнатилган қонун-қоидаларга асосан маҳсус рухсатномасиз ҳаракатланиши;

подаларни ҳайдаб ўтиш, (подаларни фақат белгиланган ва тегишли йўл белгиси қўйилган жойдан ҳайдаб ўтишга рухсат этилади) ва уларни боқиш;

қатнов қисми ва йўл четини, кўприкларни, қувурларни, ариқчаларни, сув қочириш иншооти (дренаж) қурилмаларини ифлослантириш, йўлларга ва ажратилган минтақага тўкилиб-соҷиладиган юкларни белгиланган идишларга жойлаштирумасдан ташиш;

йўналишларни ажратувчи тасмага барча турдаги транспорт воситаларининг чиқиши;

йўл ва йўл иншоотларини ҳар қандай элементлар билан, аравалар, техникалар, материаллар ва бошқалар билан тўсиб қўйиш, аркалар, шлагбаумлар ва бошқа иншоотлар қуриш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, ҳар хил материалларни тахлаб қўйиш, чиқинди ва қорларни уйиб қўйиш;

транспорт воситаларини таъмирлаш ва мойлаш, ёнилғи-мойлаш материалларини қуриш, юк ортиш ва юк тушириш, юкни бошқа техникага ортиш ва маҳкамлаш, тозалаш ва ювиш (иложсиз ҳолатларда улар йўлдан чиқиб, ажратилган тасма худудида бундай ишларни амалга ошириши мумкин, бироқ ҳайдовчи ёки транспорт воситаси эгаси шу жойни дарҳол тозалаб қўйиши шарт);

ажратилган минтақада ҳамда кўприклардан, йўл ўтказгичлардан ва эстакадалардан 200 метргача бўлган масофаларда лагерлар, палаткали шаҳарчалар барпо этиш ва олов ёқиш;

дарёлар ва анҳорларнинг кўприклари остида қайиқлар станцияси, қайиқлар тўхташ жойи ва бошқа иншоотлар қуриш;

кўприклар, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотлар остида ва устида йўл инфраструктурасига боғлиқ бўлмаган бино ва иншоотларни қуриш;

дарёлардаги кўприклардан ўзан бўйлаб юқорига ва пастга қараб 2,5 км. гача бўлган масофада кум ва тошлар олиш учун карьерлар барпо этиш;

ер шўрини ювиш, йўл четидаги ариқчалардан суғориш учун фойдаланиш, маданий қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, яшил минтақани суғориш каби ишларда автомобиль йўлларини сувга бостириш, ажратилган минтақани балчиқлантириш;

сув қочирувчи иншоотларга ва захира ерларга канализация, ишлатилган мелиорация ва оқова сувларни оқизиш;

юқори кучланишли электр тармоқларининг автомобиль йўлларини кесиб ўтиш жойларини электр сими узилиб, йўл қисмига тушишига қарши хавфсизликни таъминловчи ҳимоя қурилмаларисиз қуриш.

18. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти қўчаларига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар мажбуриятлари:

автомобиль йўлига қўшиладиган ва шохобча йўлларни техник жиҳатдан соз ҳолатда саклашлари;

ажратилган минтақадаги дов-дараҳтларни асраш ва сақлашга кўмаклашишлари;

аҳоли пунктлари қўчалари ва қишлоқ автомобиль йўллари йўлига туташ буталарни парвариш қилишлари ва иморатларни соз ҳолатда сақлашлари;

аҳоли пунктлари қўчалари ва қишлоқ автомобиль йўллари ўқидан эллик метрдан кам бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймасликлари шарт.

19. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти қўчаларидан фойдаланувчиларнинг йўлни балансда сақловчи ташкилотлар билан келишмасдан куйидагиларни амалга ошириши таъқиқланади:

катта ҳажмли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш;

йўлларни каналлар, алоқа ва электр энергияси узатувчи тармоқлар, нефть ва газ ўтказувчи қувурлар ҳамда темир йўллар билан кесиб ўтиш;

йўлларга қўшилувчи ва шохобча йўллар қуриш;

кўприклар ва сув ўтказувчи қувурлар яқинида мелиорация ҳамда бошқа мақсадлар учун дарёлар ва зовурларнинг ўзанларини чукурлаштириш;

йўлларга қўшилиб кетган шлюзлар, тўғонлар ва бошқа мелиорация ҳамда гидротехника иншоотларини таъмирлаш;

ажратилган минтақада йўл ахборотига алоқаси бўлмаган реклама, эълонлар ўрнатиш ва жойлаштириш;

йўларнинг четларида, йўл кўтартмалари ёки ўймалари қияликларида жойлашган фойдаланишдаги алоқа ва электр энергияси узатиш, хамда нефть ва газ ўтказувчи қувурлар тармоқларини таъмирлаш;

ажратилган минтақада рухсатсиз қўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш;

йўлларда спорт мусобақалари ва оммавий тадбирлар ўтказиш;

йўллардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қуритиш мақсадларида фойдаланиш;

йўлларда транспорт ва пиёдалар харакатига таъсир ўтказувчи барча ишларни олиб бориш.

20. Ер ости ва усти мухандислик коммуникациялар йўл минтақаси ёқалаб ўтказилиши йўлларни балансда сақловчи ваколатли ташкилотнинг рухсати билан, амалдаги меъёрий хужжатларда белгиланган қоидалар талаблари асосида амалга оширилади. Бирорта коммуникация тармоқларининг тўғридан – тўғри йўл тўшамасида жойлаштирилиши тақиқланади.

21. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчалари минтақаларида сервис ва инфратузилма обьектларини жойлаштириш йўлни балансда сақловчи ташкилот ва туман ҳокимлиги рухсати билан, белгиланган тартибда тегишли идора ва ташкилотлар билан келишилиб, ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

22. Ажратилган минтақанинг участкалари атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ҳаракат ҳавфсизлиги қоидалари талабларини таъминлаш шарти билан сервис обьектларини жойлаштириш учун вақтинча фойдаланишга белгиланган тартибда берилади.

#### **IV. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларида транспорт воситаларининг рухсат этилган габаритлари ва ўқига тушадиган юкламалари**

23. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларида транспорт воситаларининг рухсат этилган габаритлари ва ўқига тушадиган юкламалари умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларига белгиланган меъёрларга мувофиқ белгиланади.

#### **V. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчалари транспорт ҳаракатини вақтинча чеклаш ва тўхтатиши ҳолатлари**

24. Аҳоли пункти кўчалари ва қишлоқ автомобиль йўлларида транспорт ҳаракати қуйидаги ҳолларда вақтинча чекланиши ва тўхтатилиши мумкин:

аҳоли пунктлари кўчалари ва қишлоқ автомобиль йўллари қайта қуриш, мукаммал таъмирлаш ва таъмирлашда;

нокулай табиий иқлим шароитларида йўллар ва унинг айрим бўлакларидаги конструктив элементларнинг кўтариш имконияти пасайганида ва бошқа ҳолатларда йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлашда.

25. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларида транспорт ҳаракати вақтинчалик чекланса ёки тўхтатилса, йўлни балансда сақловчи

ва таъмирловчи ташкилот ушбу ҳолат юзасидан йўлдан фойдаланувчиларни огохлантириши шарт.

26. Йўлларда ҳаракатланишни вақтинча чегаралаш ёки тўхтатиш тегишли йўл ташкилотлари томонидан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

27. Оммавий тадбирлар ўтказиш пайтида эса йўлларда ҳаракатланишни вақтинча чегаралаш ёки тўхтатиш учун туман ҳокимининг фармойиши бўлиши лозим.

28. Транспорт ҳаракати вақтинчалик чекланган ёки тўхтатилган автомобиль йўлларида фойдаланувчиларни назорат қилиш давлат назорат органлари томонидан берилган ваколатлар чегарасида амалга оширилади.

29. Ноқулай табиий-иқлим шароитларида жорий қилинадиган вақтинчалик транспорт ҳаракат чекловлари:

йўлларнинг курилмавий элементлари ўта намланган баҳор мавсумида;

йўллар курилмавий элементларининг ўта юқори ҳаво ҳарорати таъсирида юк кўтариш имконияти сусайган ёз мавсумида;

30. Баҳор мавсумида ҳаракатни вақтинчалик чеклаш амалдаги транспорт воситаси ўқига тушадиган юкламани чекловчи тегишли йўл белгиларини ўрнатиш орқали далолатнома асосида амалга оширилади.

Баҳор мавсумида қуйидаги ҳолатларда ҳаракатни вақтинчалик чеклаш жорий қилинмайди;

барча йўналишлардаги автобусларда йўловчилар ташишда;

озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳайвонлар, дори-дармонлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, уруғлик фонди, ўғитлар, почта ва почта юкларини ташишда;

табиий оғатларни тугатиш ёки олдини олиш ёхуд фавқулодда вазиятларда керакли юкларни ташишда;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига тегишли транспорт воситаларининг ўтишида.

## **VI. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларини сақлаш ва таъмирлашда йўл ташкилотларининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

31. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларини сақлаш ва таъмирлашда йўл ташкилотларининг хуқуклари:

Йўл ташкилотлари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг худудий органлари билан ҳамкорликда ноқулай табиий-иқлим шароитларида, табиий оғатлар, ёнғинларда йўлларнинг юк кўтариш имкониятининг йўқолиши ва бошқа шу каби вазиятларда, шунингдек, тамирлаш-курилиш ишларини ўтказишда транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки таъкидлаш ҳамда бу ҳақда жойлардаги туман ҳокимлигини хабардор қилиш, автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларга оммавий-ахборот воситалари орқали билдириш ва тегишли йўл белгиларини ўрнатиш хуқуқига эгадирлар.

32. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларини сақлаш ва таъмирлашда йўл ташкилотларининг мажбуриятлари:

тасарруфидаги йўллар ва кўчалар ҳамда муҳандислик иншоотларини соз ҳолатда сақлаш ва йўлдан транспорт воситаларининг муттасил ҳамда хавфсиз ўтишларини таъминлаш;

тасарруфидаги йўллар ва кўчаларда муҳандислик иншоотларини меъёрий талаблар асосида сақлаш ва улар ҳолатини яхшилаш бўйича тегишли чоратадбирлар ишлаб чиқиши;

йўлларни ва йўл иншоотларини қиши мавсумида тезкорлик билан қордан тозалаш, музламалар олдини олиш ва йўлнинг ифлосланмаслик чораларини кўриш;

йўлнинг нобоп бўлаклари талаб даражасида жиҳозланишини, кечаси ва кундузи яхши кўринадиган тўсиқлар, йўл белгилари ва тегишли кўрсаткичлар ўрнатилган бўлишини, зарур ҳолларда эса айланиб ўтиш йўлларини ташкил этиш;

йўлнинг айrim бўлакларидаги хавфли вазият ва қийин об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар бўйича ҳаракат қатнашчиларини ўз вақтида огоҳлантириш;

йўл шароити билан боғлиқ йўл-транспорт ходисаларини доимий ўрганиб бориш, ходиса сабабларини таҳлил қилиш ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан узвий ҳамкорликда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоратадбирлар кўриш;

ҳалокат содир бўлган вазиятларда у ҳақда тегишли давлат органларини хабардор қилиш, жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва тез ёрдам хизматини чақириш;

йўл қатнов қисмининг қурилиш материаллари билан тўсилиб қолишига йўл кўймаслик, ишламаётган йўл машина ва механизмларини ўз вақтида йўлдан чиқариб кўйиш;

автобус бекатларида йўловчиларни чиқариш ва тушириш майдонлари бўлишини таъминлаш, зарур ҳолларда автопавильонлар қуриш;

хайдовчиларнинг дам олиши учун белгиланган жойларда транспорт воситалари туриши учун тегишли шарт-шароитлари бўлган майдончалар ташкил этиш;

йўл белгиларини амалдаги давлат стандартига асосан ўрнатиш, ҳаракатланиш учун хавфли бўлган участкаларни зарур тўсиқлар ва қурилмалар билан жиҳозлаш;

амалдаги техник меъёрларга асосан автомобиль йўллари билан бир сатҳда кесишган темир йўл кесишмаларини сақлаш.

33. Йўл минтақаси ёки унга туташ жойларда хар қандай иш олиб бораётган юридик ва жисмоний шахслар бажараётган ишларини йўл ташкилоти ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг тавсия ва кўрсатмалари асосида белгиланган муддатларда тамомлашга ва иш олиб бораётган йўл бўлакларидаги ҳаракат хавфсизлигига тўлиқ жавобгардирлар. Улар иш бошлашдан олдин йўл ташкилотидан тегишли рухсатнома(ордер) олиши шарт.

34. Таъмирлаш ишлари олиб борилаётган жойлардаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл ташкилотлари тегишли чора-тадбирлар кўриши лозим.

35. Таъмирлаш ишлари олиб бориладиган йўл қисмiga таъмирлашни бошлашдан олдин вақтингчалик йўл белгилари, сигналлар, конуслар, ранги байроқчали боғичлар, тўсувчи ва йўналтирувчи мосламалар, ишора устунчалари, огоҳлантирувчи қизил чироқлар ёрдамида тўсиб муҳофазаланади ва таъмирланаётган жойни айланиб ўтиш йўллари ташкил этилади.

36. Ҳаракатланишни ташкил этишнинг техник воситалари йўл ишлари олиб борилаётган жойларни тўсиқлар билан ўраш ва мазкур жойларда ҳаракатланишни ташкил этиш Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

37. Таъмирлаш ишлари олиб борилаётган жойларда ишлар тугаллангунга қадар хавфсиз ҳаракатланишни ташкил этиш масъулияти мазкур ишларни амалга ошираётган ташкилот раҳбарлари зиммасида бўлади.

## **VII. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчалари минтақаларида ерлардан фойдаланиш**

38. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчалари ва йўл иншоотларини жойлаштириш учун ажратилган минтақа йўллар ва кўчалар ерлари деб белгиланган. Йўл ва кўчалар, улар эгаллаб турган ер давлат мулки хисобланади.

39. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчалари ва улар эгаллаб турган минтақа ерларига йўл пойи эгаллаб турган ер, транспорт чоррахаси, йўл ўтказгич, сунъий иншоотлар, карьерлар, йўлга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг хизмат ва ётоқ бинолари, минтақадаги декоратив дараҳтлар, бута ва бошқа дараҳтлар, йўл инфраструктурасига кирувчи бошқа иншоотлар ерлари киради.

## **VIII. Ваколатли органлар томонидан йўллар ва унинг минтақасини назорат қилиш тартиби**

40. Йўллардан фойдаланишда содир бўлган ва транспорт воситалари ҳаракатланишига тўсқинлик қилувчи ҳамда ҳаракат хавфсизлигига зид камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш учун амалга ошириладиган кундалик назорат Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади.

41. Йўллар ва кўчаларни балансда сакловчи ташкилотлар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан йўлларини бир йилда икки марта (баҳор ва кузда) мавсумий кўрикдан ўтказиб, унинг натижасига кўра чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Кўрик давомида аниқланган камчиликлар ва ноқонуний қурилишлар юзасидан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан тегишли ташкилотларга ёзма кўрсатмалар ва туман ҳокимлигига тақдимномалар киритилади. Ёзма кўрсатмалар ва тақдимномалар олган тегишли ташкилотлар зудлик билан, ўз ваколати доирасида аниқланган камчиликларни ва ноқонуний қурилишларни бартараф этиш чораларини кўради.

#### **IX. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларига туташ ер участкаларининг мулқдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари**

42. Йўлларга туташ ер участкаларининг мулқдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар:

йўлларга қўшиладиган ва шохобча йўлларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

ажратилган минтақадаги дов-дараҳтларни асраш ва сақлашга кўмаклашишлари;

йўлларга туташ буталарни парвариш қилишлари ва иморатларни соз ҳолатда сақлашлари шарт.

43. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларига туташ ер участкаларининг мулқдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар йўл ўқидан эллик метрдан кам бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймасликлари шарт.

#### **X. Бошқа давлатларга юқ ташувчиларнинг туман худудига автомобильда кириш-чиқиш тартиби**

44. Хорижий давлатларга юқ ташувчиларнинг туман худудига автомобильда киришлари, бўлишлари, юқ олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишларининг тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати қоидалари ёки юқ ташиш шартларига риоя қилмаслик оқибатида йўл иншоотларига етказилган зарар учун транспорт ҳайдовчиси амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

#### **XI. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик**

45. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчаларидан фойдаланиш тартибига риоя қилинмаганлиги учун юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

#### **XII. Якуний қоидалар**

46. Қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункти кўчалари билан боғлик соҳадаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
SURXONDARYO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
JARQO`RG`ON TUMAN ADLIYA BO'LIMI**

190600 Jarqo`rg`on tumani, O`zbekiston ko'chasi, 5-uy  
Tel.: (998 76) 432-62-68, el. pochta: jarqurgan\_adliya@exat.uz jarqurgon-t@adliya.uz

**2020 йил 23 декабрь 8-1-11/5/210-1-сон**

**Жарқўрғон тумани ҳокими  
Б.Ўрақовга**

**2020 йил 16 декабрдаги  
01-10/202-сонли хатингизга**

Жарқўрғон туман ҳокимининг “Тумандаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги билдиради.

Шунингдек, қарор лойиҳаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертиздан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома(2013 йил 1 февраль, рўйхат рақами 2420) ҳамда қонунчилик техникасига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилиши ва қарор лойиҳасини хуқуқий экспертиздан ўтказиш натижалари бўйича холосада қайд этилган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг қабул қилиниши лозим.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори балан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талабларга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимиятининг расмий-веб сайти ва расмий нашрида эълон қилиниши, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида”ги низом (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь)га мувофиқ 3 кун ичida давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда туман адлия бўлимида тақдим қилиниши лозим.

*Илова: холоса ва қарор лойиҳаси 13-варақда.*

**Адлия бўлими бошлиғи**

  
**У.Арипов**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Жарқұрғон туман адлия  
бўлими бошлиғи**

**У.Арипов**

**Жарқұрғон туман адлия бўлими томонидан норматив-хуқуқий хужжат  
лойиҳасини хуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан  
Х У Л О С А С И**

2020 йил 23 декабрь

Жарқұрғон тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-хуқуқий хужжатлар түғрисида”ги Қонуни 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги түғрисида”ги Низом талабларига асосан Жарқұрғон туман ҳокимининг “Тумандаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби түғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси “Автомобил йўллари түғрисида”ги Қонун талабларига асосан ишлаб чиқилган.

**АНИҚЛАНИДИ:**

Жарқұрғон туман ҳокимининг “Туманидаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби түғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси “Автомобил йўллари түғрисида”ги Қонун талабларига асосан ишлаб чиқилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти түғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан мазкур қарорни қабул қилиш туман ҳокими ваколатига киради.

Қарор лойиҳаси Жарқұрғон туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ва туман Ободонлаштириш бошқармаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Лойиҳа 2020 йил 20 ноябрь кунидан 2020 йил 5 декабрь кунига қадар ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz)) жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Жарқұрғон туман ҳокимининг мазкур қарори лойиҳаси қонун хужжатларига зид эмас.

Аммо лойиҳада айрим қонунчилик техникаси талаблари бузилишига йўл йўйилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва хуқуқий экспертиздан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома(2013 йил 1 февраль, рўйхат рақами 2420)нинг 17-бандида лойиҳанинг тузилиши, лойиҳани хуқуқий тартибга солиш предметини мантиқан ривожланиб бориши ва ёритилишини таъминлаши лозимлиги, 18-бандида эса лойиҳа номга эга бўлиши лозимлиги, унинг номи қисқа, аниқ баён этилиши ва мазмунини ўзида акс эттириши лозимлиги қайд этилган.

Бироқ тақдим этилган қарор лойиҳаси ва унинг иловаси туманга тўлиқ мослаштирилмаган ҳамда мантиқий кетма-кетликка риоя қилинмаган.

Жумладан, қарор номи ҳамда қарор билан тасдиқланадиган низом лойиҳасида туман ҳудидидаги йўллар (халқаро ва давлат аҳамиятига молик бўлмаган йўллар) 2 тоифага хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари ва бошқа аҳоли пункти кўчаларига бўлиннишига эътибор қаратилмаган.

Юқоридагиларга биноан, тақдим этилган қарор лойиҳасини хуқуқий экспертиздан ўтказиш натижалари бўйича

## **Х У Л О С А      Қ И Л И Н Д И :**

Жарқўрғон туман ҳокимининг “Тумандаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, қонунчилик техникаси талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши лозимлиги қайд этилсин.

Қарор лойиҳаси ва иловасида қайд этилган “аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари” сўzlари “хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари” ҳамда “хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари ва бошқа аҳоли пункти кўчалари” сўzlари билан алмаштирилиши лозим.

Мазкур хulosаси юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлигига юборилсин.

**Жарқўрғон туман адлия  
бўлими бош маслаҳатчиси**

**Б.Махсумов**